

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЧЖАН ПЭН

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, глобал ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

УДК: 327.57(510)
ББК: 66.4(5Кит)

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on political sciences**

Чжан Пэн

Современные направления стратегического сотрудничества Китайской Народной Республики и Российской Федерации в рамках Шанхайской организации сотрудничества 3

Чжан Пэн

Шанхай Хамкорлик Ташкилоти доирасида Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси стратегик ҳамкорлигининг замонавий йўналишлари..... 21

Zhang Peng

Modern areas of strategic cooperation between the People's Republic of China and the Russian Federation within the framework of the Shanghai cooperation organization 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЧЖАН ПЭН

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, глобал ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

Докторлик диссертацияси (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация Комиссиясида № В2018.1. PhD/Siyos81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Наталья Эрмановна
тарих фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжаев Аблат
тарих фанлар доктори

Қосимова Назокат Анваровна
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss/Tag.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-34-24; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-34-24; факс: (99871) 233-52-24).

Диссертация афтореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Э.С. Султонова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Д.Б. Сайфуллаев
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, PhD, доцент.

Р.З. Жумаев
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон сиёсатшунослигида Хитой-Россия муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Икки йирик давлат, Россия Федерацияси (РФ) ва Хитой Халқ Республикаси (ХХР)нинг жаҳондаги таъсири доимий равишда ошиб бормоқда. Сўнги йилларда ҳар томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришда Россия ва Хитой ўртасида деярли барча– сиёсий, дипломатик, иқтисодий, маданий-гуманитар, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳаларда катта муваффақиятларга эришилди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг қандай бўлиши дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясини икки асосий омил бирлаштириб туради: биринчидан, дунёдаги замонавий таҳдидларга биргаликда қарши туриш зарурияти; иккинчидан, ҳар бир томон учун ҳам фойдали ва умумий манфаатли бўлган ўзаро икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва энергетика соҳасидаги икки томонлама лойиҳаларни амалга ошириш, инвестицион лойиҳалар, ва бошқалар. Бундан ташқари, ХХР ва РФ олдида дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдек, иккала томон учун ҳам фойдали бўлган халқаро бир қатор вазифалар турибди.

Янги дунё тартибининг вужудга келиши шароитида, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) халқаро терроризм, минтақадаги янги таҳдид ва хавфлар билан курашда биринчилар қаторида бормоқда. Ташкилот, дастлаб, минтақавий хавфсизлик муаммоларини хал этишга хизмат қиладиган сиёсий механизм сифатида ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда эса иқтисодий ҳамкорлик ва аъзо давлатларнинг ривожланишини қамраб олган ҳолда кўп-томонлама халқаро тузилмага айланиб бормоқда. ХХР ва РФ – ШХТнинг етакчи давлатлари ҳисобланиб, уларнинг умумий манфаатлари ташкилотнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, Хитой ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг давомий бўлиши эса ШХТ ривожланишининг асосий кафолатидир. Бугунги кунда ХХР ва РФ ўртасида кенг кўламдаги умумий манфаатлар борлигига қарамадан икки давлатнинг потенциал рақобатчи бўлишига олиб келувчи айрим масалаларда тафовут ва келишмовчиликлар мавжуд. Шу муносабат билан ХХР ва РФнинг ШХТдаги ўрни ва ролини, янги геосиёсий шароитларда улар ўртасидаги муносабатларнинг истиқболини тушуниш зарурати вужудга келади.

Замонавий босқичда Марказий Осиё минтақаси ШХТнинг асосий марказларидан бири сифатида тан олинмоқда. Шунингдек, Марказий Осиё “Ипак йўли иқтисодий макони”нинг асосий ҳудудларидан бири ҳисобланади ва ХХР ШХТдан ушбу ташаббусни амалга оширишда майдон сифатида фойдаланишдан манфаатдор. Мавзунинг долзарблигини Ўзбекистон Республикасининг ШХТ фаолиятида фаол иштирок этиб келаётганида ҳам кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Евросиёда хавфсизликни таъминлаш ва унинг барқарор ривожланишида ШХТнинг ролини таъкидлар экан, минтақада савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, ахборот

технологиялари, транспорт-логистика салоҳиятни ривожлантириш¹, шу билан бирга, ШХТга аъзо давлатларнинг парламентлари ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш ва тарихий-маданий бойликларини оммалаштириш бўйича бир қатор ташаббусларни илгари сурди².

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” (2012) ҳамда Циндао (2018 йил 10 июнь) ва Бишкек (2019 йил 14 июнь)да бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари кенгашида имзоланган декларацияларда белгиланган вазифаларни муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-ахлоқий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация тадқиқот иши жараёнига тадқиқот мавзусига оид муаммоларга бағишланган катта ҳажмдаги илмий адабиётлар жалб қилинди.

Сўнгги йилларда Хитой-Россия муносабатларини ўрганишга ҳам умумий илмий тадқиқотлар, ҳам хитойлик, россиялик, марказий осиелик мутахассислар ва инглиз тилида ёзувчи муаллифларнинг ихтисослашган нашрларида катта эътибор қаратилмоқда.

ХХР илмий марказлари орасидан Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг тадқиқот институтилар ва марказларини, ХХР Ижтимоий фанлар академияси ва бошқаларни ажратиб кўрсатамиз.

ХХР ва РФ икки томонлама муносабатлари ва икки давлатнинг ШХТ доирасидаги ҳамкорлигига, Хитой-Россия муносабатлари контекстида Россиянинг замонавий даврдаги сиёсий, иқтисодий ривожланиши батафсил тадқиқ этилган Цзи Чжие ва Фэн Юйцзюнь³, Цун Пэн ва Чжан Ин⁴каби хитойлик муаллифларнинг ишлари бағишланган.

Сунь Цзин ишлари ХХР ва РФнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ва

¹ Мирзиёев выступил на Саммите ШОС: какие инициативы выдвинул президент Узбекистана // <https://podrobno.uz/cat/politic/mirziyeev-vystupil-na-sam/>

² Мирзиёев предложил провести в Самарканде экономический саммит ШОС // <https://uz.sputniknews.ru/politics/20190614/11762950/Mirziyev-predlozhit-provesti-v-Samarkande-ekonomicheskii-sammit-ShOS.html>

³ Цзи Чжие, Фэн Юйцзюнь. Элосы фачжань цянцзин юй Чжун-Э гуаньси цзоюян The Prospect of Russia's Development and China-Russia Relation. (季志业, 冯玉军. 俄罗斯发展前景与中俄关系走向. Перспективы развития России и тенденция китайско-российских отношений). –北京: 时事出版社, 2016. 401 с.

⁴ Цун Пэн, Чжан Ин. Чжаньлюэ шицзяо сядэ Чжун-Э гуаньси (丛鹏, 张颖. 战略视角下的中俄关系. Китайско-российские отношения со стратегической точки зрения). –北京: 时事出版社, 2011. 312 с.

уларни амалга ошириш мезанизмлари таҳлилига бағишланган⁵.

Цзян Ининг умумий мухаррирлигида чоп этилган Хитой тадқиқотчилари ишлари жамланмаси «新世纪的中俄关系» (Синь шицзиды Чжун-Э гуаньси. Янги асрда Хитой-Россия муносабатлари)⁶ замонавий босқичдаги Хитой-Россия муносабатларига бағишланган. Ушбу тўпламда икки давлат ўртасидаги хавфсизлик, илмий, ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида урғу берилган.

Сўнгги вақтларда тарихий характердаги кўплаб ишларга (жумладан, Буюк ипак йўлининг тарихига бағишланган ишлар) хитойлик муаллифларнинг ХХР ва Марказий Осиё давлатларининг икки томонлама ҳамкорлиги ва ШХТ доирасидаги ҳамкорлигига бағишланган фундаментал ишлари кўшилмоқда. Чжао Хуашэн⁷, Ван Хайянь⁸ ва бошқаларнинг ишларини алоҳида кўрсатиб ўтган ҳолда, уларнинг ишларида Хитой-Марказий Осиё алоқалари тадқиқ этилиб, Хитойнинг Марказий Осиёга кириб келиши ҳамда Хитойнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари, Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати билан икки томонлама алоқалари ҳар томонлама таҳлил қилинганини кўришимиз мумкин.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари ва ШХТ фаолиятига бағишланган ишлар орасидан У Хунвэй⁹, Чжао Хуашэн, Ван Цзянь, Ли Баочжэнь, Шэ Цзяньхуа ва бошқа хитойлик тадқиқотчиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим¹⁰. Бир қатор хитой олимларининг жамоавий ишларида Марказий Осиё иқтисодий тараққиётининг, минтақадаги ҳафсизлик ва барқарорликка ўзаро алоқадорлиги; Марказий Осиёдаги ҳафсизликка таъсир қилувчи омиллар; ШХТ аъзолари ёрдами билан минтақавий ҳафсизлик муаммоларини ҳал қилишга доир масалалар ёритилган¹¹.

⁵Сунь Цзин. Чжун-Э цзай Чжун-Я дэ гунгун лии цзи цишисянь цзичжи яньцзю (孙静.中俄在中亚的共同利益及其实现机制研究. Марказий Осиёдаги Хитой ва Россиянинг биргаликдаги манфаатлари ва уларни амалга ошириш механизмлари). – 北京: 光明日报出版社, 2014. – 180 с.

⁶Синь шицзиды Чжун-Э гуаньси. (新世纪的中俄关系. 姜毅主编. Янги асрда Хитой-Россия муносабатлари). – 北京: 世界知识出版社, 2007. – 367 с.

⁷Чжао Хуашэн. Чжунго дэ Чжун-Я вайцзю. (赵华胜. 中国的中亚外交. 上海合作组织. 评析和展望. Хитойнинг Марказий Осиёдаги дипломатияси). – 北京: 时事出版社, 2008. – 464 с.

⁸Ван Хайянь. Синь диюань цзинци: Чжунго юй Чжун-Я (王海燕. 新地缘经济: 中国与中亚. Янги геоиқтисод: Хитой ва Марказий Осиё). – 北京: 世界知识出版社, 2012. – 308 с.

⁹У Хунвэй. A study on Security and Stability in Central Asia. (吴宏伟. 中亚安全与稳定研究. Чжун-Я аньцюань юй вэньдин яньцзю. Хавфсизликни тадқиқ этиш ва Марказий Осиёдаги барқарорлик). – 北京: 社会科学文献出版社, 2017. – 393 с.

¹⁰Чжао Хуашэн. Шанхай хэцзо цзучжи. Пинси хэ фа чжань. (赵华胜. 上海合作组织: 评析和展望. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: Шарҳ ва ривожланиш). – 北京: 时事出版社, 2012. – 279 с.; Ван Цзянь. Шанхай хэцзо цзучжи фачжань цзиньчэн яньцзю. Дицзоу гунгун чаньпиньдэ шицзю (王健. 上海合作组织发展进程研究. 地区公共产品的视角. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ривожланиш динамикасини тадқиқ этиш). – 上海: 上海人民出版社, 2014. – 278 с.; Ли Баочжэнь. Шанхай хэцзо цзучжи юй Чжунго дэ хэпин фачжань. (李葆珍. 上海合作组织与中国的和平发展. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти и Хитойнинг тинч ривожланиши). – 北京: 新华出版社, 2011. – 216 с.; ва бошқ.

¹¹Чжунго юй Чжунья гоцзя хэцзо силунь (中国与中亚国家合作析论. Analysis of Cooperation among China and Central Asian Countries. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ноанъанавий хавфсизлик бўйича тадқиқоти). – 北京: 社会科学文献出版社, 2012. – 314 с.

Диссертация ишида россиялик сиёсатчи олимлар ва халқарошунос олимларнинг фундаментал ишларида баён этилган баҳолари ва қарашларига ҳам муурожаат этилди. Ишлари ХХР ва РФнинг минтақавий ҳафсизлик муаммолари, икки давлатнинг истикболдаги ҳамкорлигига бағишланган М.Л.Титаренко, В.Е.Петровский, А.Беляков, О.Матвейчев, В. Поликарпов, Е. Поликарпова, С.Г.Лузянин, А.Лукинлар¹² шулар жумласидан. А.Малашенко¹³ ўз ишида Россиянинг Марказий Осиёдаги сиёсати ва минтақадаги турли давлатлар билан ҳамкорлигига оид жиҳатларини таҳлил қилган. В.И.Василенко, В.В.Василенко ва А.Г.Потеенколар¹⁴ эса ШХТни Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсий институт сифатида шаклланиш жараёнини ўрганади ҳамда ШХТ доирасидаги замонавий иқтисодий ҳамкорлик хусусиятларини баҳолайди.

Биз томонимиздан тадқиқот давомида, шунингдек, марказий Осиёлик олимларнинг ишларига ҳам муурожаат қилинди, жумладан, А.Ходжаев, В.Парамонов, А.Строков, М.Лаумулин, М.Рахимов, Г.Г.Рахматулина, А.Буранғалиев¹⁵ ва бошқалар. Таниқли хитойшунос А.Ходжаев ўзининг «Китайский фактор в Центральной Азии» номли фундаментал ишида ШХТнинг ташкил топиши муаммолари ва унда Ўзбекистоннинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтган. Хусусан, у ўз ишида Ўзбекистоннинг ШХТга киришида мамлакат ва минтақада хавфсизлик, барқарорликни таъминлаш ва уни кучайтириш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва терроризмга қарши курашиш механизми самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш мақсади кўзлагани қайд этилган¹⁶. Ўзбекистонлик сиёсатшунослар И.Бекмуратов ва А.Н.Мухамеджановнинг ишларида ШХТнинг ташкил топиши ва унинг Жанубий ва Марказий Осиёдаги халқаро муносабатлар тизимида ривожланиши, ташкилотда Ўзбекистоннинг тўтган ўрни ва ролига доир масалаларни кўриб чиққанлар¹⁷.

¹²Титаренко М.Л., Петровский В.Е. Россия, Китай и новый мировой порядок. Теория и практика. – М.: Издательство «Весь мир», 2016. – 304 с.; Беляков А., Матвейчев О. Россия и Китай. Две твердыни. Прошлое и настоящее. – М.: Книжный мир, 2017. – 384 с.; Поликарпов В., Поликарпова Е. Красный дракон. Китай между Америкой и Россией. От Мао Цзэдуна до Си Цзиньпина. – М.: ООО «ТД Алгоритм», 2016. – С.366; Лузянин С. Центральная Азия: измерения безопасности и сотрудничества // http://www.perspektivy.info/table/centralnaja_azija_izmerenija_bezopasnosti_i_sotrudnichestva_2012-02-06.htm; Лукин А. Евразийская альтернатива Западу // <https://lenta.ru/articles/2015/07/10/shanghaiorg/>

¹³Малашенко А. Центральная Азия: на что рассчитывает Россия? – М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2012. – 118 с.

¹⁴Василенко В.И., Василенко В.В., Потеенко А.Г. Шанхайская организация сотрудничества в региональной системе безопасности (политико-правовой аспект). – М.: Проспект, 2017. – 191 с.

¹⁵Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2007. – 170 с.; Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент, 2005; Парамонов В. Энергетический клуб ШОС: проблемы и перспективы // <http://www.journal-neo.com/?q=node/304>; Лаумулин М.Т. Виртуальная безопасность Центральной Азии ОДКБ в преддверии ухода НАТО из Афганистана // <http://www.globalaffairs.ru/number/Virtualnaya-bezopasnost-Tcentralnoi-Azii-15646>; Рахматулина Г.Г., Буранғалиев А.М. Основные проблемы торгово-экономического сотрудничества государств ШОС // Казахстан-Спектр. – №4. – 2007 // <http://www.kisi.kz/site.html?id=5206>

¹⁶Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – С. 156.

¹⁷Бекмуратов И.Н. Деятельность Шанхайской организации сотрудничества и процесс ее институционализации. Автореферат канд. диссертации на соискание уч. степени к.п.н. – Ташкент, 2006. – 26 с.; Бекмуратов И.Н. Сотрудничество Узбекистана и Китая – гарант регионального развития // Востоковедение. – Ташкент. – 2004. – №2. – С.60-62; Мухамеджанов А.Н. Шанхайская организация

Марказий Осиёда Хитой-Россия муносабатларини ўрганган инглиз тилли муаллифлардан: Т.С.Эдэр, Э.Вишник, Р.Вэтц, Д.Шамбаух, А.Скобелл, Э. Ратнер, М.Бэкли ва бошқаларни¹⁸ кўрсатиб ўтишимиз мумкин. М. Кларк¹⁹, С.Пэйроуз, Дж.Бунстр ва М.Луареллеларнинг²⁰ тадқиқот ишлари эса Хитойнинг Марказий Осиёдаги стратегияси ва минтақадаги асосий манфаатлари, уйғур сепаратистларига қарши кураш; Хитойнинг шимолий-ғарбий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, энергетик ресурсларга эга бўлиш; шунингдек, Хитой компания ва товарлари учун минтақада янги бозорлар очиш масалаларига бағишланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқот иши давомида сўнгги йилларда ХХР, РФ ва Марказий Осиё давлатларида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра столлари, семинарлар ва мунозараларнинг материалларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, замонавий тадқиқотларда олимлар ва мутахассислар томонидан кўпроқ, ХХР ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ички муаммоларига ёки Хитой-Россия иқтисодий муносабатларининг умумий жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, барча соҳаларни қамраб олган, ШХТ доирасидаги Хитой ва Россиянинг кенг миқёсдаги ҳамкорлигига кераклича тадқиқ этилмаган. Бизнинг фикримизча, “Буюк ипак йўлининг иқтисодий камари” стратегик коридори бўйича умумий манфаатлар ва келишмовчиликларга ҳам етарлича эътибор қаратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажариллаётган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Хитой сиёсати, халқаро муносабатлар ва ўрганилаётган мамлакат ташқи сиёсати” мавзусидаги устувор, илмий тадқиқот йўналиши ва “Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти” кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари йўналишига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади ШХТ доирасида ХХР ва РФ икки томонлама стратегик ҳамкорлиги ҳолати, икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ва истиқболларни аниқлаш ҳисобланади.

сотрудничества в системе современных международных отношений в Южной и Центральной Азии. Автореферат канд. диссертации на соискание уч.степени к.п.н. – Ташкент, 2010. – 23 с.

¹⁸*Eder Th.S.* China-Russia Relations in Central Asia. – Wiesbaden: Springer VS, 2014. – 148 p.; *Wishnick E.* Russia, China, and the United States in Central Asia: Prospects for Great Power Competition and Cooperation in the shadow of the Georgian crisis. – Montclair, 2009. – 82 p. Pdf // <http://www.StrategicStudiesInstitute.army.mil/4>; *Weitz R.* Parsing Chinese-Russian military exercises. – Carlisle: Strategic Studies Institute and U.S. Army War College Press, 2015. – 94 p.; *Shambaugh D.* China Goes Global. – New York: Oxford University Press, 2013. – 313 p.; *Scobella A., Ratner E., Beckley M.* China's Strategy Toward South and Central Asia An Empty Fortress. – Santa Monica: RAND Corporation, 2014. – 128 p. // www.rand.org/t/RR525вабошқ.

¹⁹*Clarke M.* China's Post-9/11 Strategy in Central Asia. Regional Outlook Paper. No.5, 2005. 26 p.; *Clarke M.* China's Integration of Xinjiang with Central Asia: Securing a "Silk Road" to Great Power Status? // <https://www.researchgate.net/publication/29468440>; *Clarke M.* China's Strategy in "Greater Central Asia": Is Afghanistan the Missing Link? // <https://www.researchgate.net/publication/271932295>

²⁰*Peyrouse S., Boonstra J., Laurelle M.* Security and Development Approaches to Central Asia: the EU compared to China and Russia // EUCAM. 2012. – P.11. // http://www.eucentralasia.eu/uploads/tx_icticontent/WP11.pdf

Тадқиқотнинг вазифалари:

ХХРнинг ташқи сиёсий концепциясида ШХТнинг ўрни ва ролини асослаш;

РФнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ролини баҳолашга концептуал ёндашувини асослаш;

замонавий босқичда ХХР ва РФнинг икки томонлама ҳамкорлигини ёритиш;

ХХРнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини аниқлаш;

Россиянинг ШХТ аъзолари билан, ҳамкорлиги доирасидаги устуворликларини аниқлаш;

минтақавий хавфсизликни таъминлашда ХХР ва РФнинг ҳамкорлигини кўрсатиш;

ШХТ доирасида ХХР ва РФ ўртасидаги келгусидаги ҳамкорлигининг муаммолари ва истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқот объектини. Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясининг ШХТ доирасидаги муносабатлари.

Тадқиқотнинг предмети. ХХР ва РФнинг ШХТ доирасидаги стратегик шерикчилик хусусияти, тенденциялари, муаммолари ва ҳамкорликнинг асосий йўналишлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда умумийназарий илмий тадқиқот методлари бўлган: компаратив, тизимли, таркибий-функционал методлардан, концептуал умумлаштирувчилар ҳисобини ўз ичига олувчи комплекс ёндашув ва кўплаб турли назарий мактабларнинг усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ХХР ва РФ муносабатлари жадаллашишига туртки бўлувчи - икки мамлакат сиёсий манфаатларининг умумий жиҳатлари, дунёда рўй бераётган иқтисодий-сиёсий бухронларга қарши биргаликда курашиш, Америка ва Европа Иттифоқи давлатлари томонидан қўйилган сиёсий ва иқтисодий эмбаргога ҳамкорликда қарши туриш сингари йўналишлар очиб берилган;

Россия Федерациясининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги фаолиятининг асосий йўналишлари (наркотрафик, одам савдоси ва қурол контрабандаси), Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун кучларни бирлаштириш, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик масалалари очиб берилган;

замонавий ХХР ташқи сиёсатининг шаклланиш муаммолари: Жанубий Шарқий Осиё давлатлари билан мураккаб муносабатлар, Жанубий Хитой денгизи ва Шарқий Хитой денгизидаги баҳсли ҳудудлар эскалацияси, шунингдек глобал экологик муаммолар аниқланган;

ХХР ва РФнинг ШХТ доирасида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги кўриб чиқилган;

Хитой ва Россиянинг муаммо ва таҳдидларга нисбатан стратегик ёндашувлари, жумладан ШХТ кенгайишидан бошлаб то Яқин Шарқ ва

Афғонистондаги нотинч вазиятга нисбатан қарашлари кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

ХХР ва РФнинг ташқи сиёсий концепцияларида ШХТнинг ўрни ва роли аниқланди; Хитой-Россия сиёсий муносабатлари ривожланишини рағбатлантирувчи омиллар аниқланди; замонавий даврда ХХР ва РФ ҳамкорлигининг асосий йўналишлари очиқ берилди, жумладан, иқтисодий соҳадаги энг муҳимларидан бири ҳисобланувчи энергетик ва инвестицион ҳамкорлик соҳалари; соҳадаги муаммолар (РФга рақобатчи сифатида жаҳондаги энг йирик энергетик ресурслар етказиб берувчи давлатларнинг ХХР бозорида мавжудлиги, нарх шаклланиши бўйича муаммолар, иккитомонлама савдо ҳажмининг пасайиши ва бошқ.) ва уларнинг мумкин бўлган ечимлари келтириб ўтилди;

ШХТнинг 2018 йил Циндао ва 2019 йил Бишкек саммитларининг яқунлари бўйича ХХР ва РФнинг минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳаракатлари таҳлил қилинди; Марказий Осиёдаги барқарорликка таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди: Марказий Осиё давлатларининг “Афғон инқирози”ни ҳал қилишга қаратилган асосий чора-тадбирлари аниқланди; ШХТ доирасида икки давлат ҳамкорлигининг муаммолари ва истиқболлари аниқланди; икки давлат муносабатларига салбий таъсир қилувчи омиллар ўрганилди, шунингдек, ШХТ олдида турган ички ва ташқи таҳдидлар таҳлил қилинди; ХХР ва РФ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ушбу давлатларни Марказий Осиё давлатлари билан янада самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг соҳа бўйича мутахассис ва олимларнинг илмий ишлари, асарлари ҳамда расмий манбалардан, шунингдек, ХХР ва РФнинг ШХТ доирасида стратегик ҳамкорлик масалаларини ўрганадиган тадқиқот марказларининг таҳлилий хужжатлари, оммавий ахборот воситалари ва Интернет манбаларида ёритилган маълумотлардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу диссертация ишининг илмий аҳамияти, ундаги назарий хулосаларнинг кейинги, Хитой-Россия стратегик муносабатларини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий фаолиятда фойдаланиш учун муҳимлиги билан асосланади.

Тадқиқот хулосалари ва таклифлари халқаро муносабатлар йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқув-услугий адабиётларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Иш, шунингдек, ШХТ доирасидаги ХХР ва РФ стратегик ҳамкорлигига бағишланган маъруза курсларини тайёрлашда фойдали бўлиши мумкин. Диссертациянинг хулоса ва материалларидан турли давлат тадқиқот институтларида таҳлилий материал сифатида фойдаланилиши мумкин. Диссертация материаллари кенг қамровли

сиёсий фанлардаги муаммоларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиёдаги сиёсати, ХХР ва РФнинг ШХТга аъзо давлатлар билан хавфсизлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқот институти томонидан ШХТнинг келажакда ривожланишига бағишланган ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқот институтининг 2018 йил 2 октябрдаги 04/1980-сон баённомаси). Натижада, ХХР ва РФнинг минтақавий хавфсизликни таъминлашда Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилган;

ХХР ва РФнинг ШХТ доирасидаги маданий-гуманитар ташаббуслари ва маданий-гуманитар соҳа бўйича олинган хулосалардан Пекин (ХХР) Фан ва таълим илмий-тадқиқот институти томонидан “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Хитой ва Россиянинг гуманитар ҳамкорлиги жараёнини тадқиқ этиш” мавзуидаги илмий лойиҳа доирасида қўлланилган (Пекин Фан ва таълим илмий-тадқиқот институтининг 2018 йил 1 августдаги 12-сон маълумотномаси). Ушбу материаллар ХХР ва РФнинг ШХТга аъзо давлатлар билан ижтимоий-маданий соҳадаги ҳамкорлигини ўрганишга асос бўлган;

ХХР ва РФ энергетика соҳасидаги ҳамкорлигининг фаоллашиши ҳамда икки давлат ўртасидаги мавжуд икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги айрим тўсиқлар ҳақидаги хулосалардан ХХР Ижтимоий фанлар академиясининг Хэйлунцзян иқтисодий тадқиқотлар институтининг “Ипак йўлининг иқтисодий камари” доирасида Хитой-Россия энергетик ҳамкорлигининг истиқболлари” лойиҳасида фойдаланилган (ХХР Ижтимоий фанлар академиясининг Хэйлунцзян иқтисодий тадқиқотлар институти 2018 йил 17 сентябрдаги 53-сон маълумотномаси). Натижада, ХХР ва РФ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳамда икки давлатнинг келажакдаги иқтисодий ҳамкорлиги истиқболларини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилган.

“Ипак йўли иқтисодий макони” транспорт лойиҳаларини Марказий Осиё давлатлари ҳудуди бўйлаб амалга оширган ишлари бўйича олинган маълумотлардан ХХР Ижтимоий фанлар академиясининг Гансу провинциясидаги илмий-тадқиқот маркази томонидан “Бир макон, бир йўл” ва “Марказий Осиёдаги беш давлатни ўрганиш ва маълумотлар базасини шакллантириш” номли илмий лойиҳаларда фойдаланилган (ХХР Ижтимоий фанлар академиясининг Гансу провинциясидаги илмий-тадқиқот марказининг 2018 йил 20 августдаги 65-сон маълумотномаси). Ушбу материаллар “Ипак йўлининг иқтисодий камари” ташаббусини Марказий Осиёда амалга оширилиши фаолияти таҳлили ва ХХРнинг Марказий

Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини ёритишда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3та халқаро ва 4та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4та илмий мақола, хорижий журналда 5та, республика илмий-амалий анжуманларда 6та, халқаро илмий-амалий анжуманларда 2та тезиси чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“ХХР ва РФ ташқи сиёсий стратегияларида ШХТ аҳамиятини назарий асослаш”** деб номланади ва у икки параграфдан иборат (1.1. ХХР ташқи сиёсий концепцияларида ШХТнинг ўрни ва 1.2. ШХТ роли борасида Россиянинг концептуал ёндашувлари). Бу бобда хитойлик ва россиялик олимларнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти борасидаги назарий-методологик ёндашувлари ўрганилган.

ХХРнинг ташқи сиёсий стратегияси охириги ўн йилликларда бир қатор омиллар таъсирида ўзгаришларга учрамоқда. ХХР ташқи сиёсий доктринасининг ўзгаришига, давлат қудратининг ошиши ва жаҳон миқёсида ХХРнинг АҚШдан кейинги иккинчи иқтисодий давлатга айланиши, “Осиё Тинч океани минтақасига қайтиш”²¹ тўғрисидаги АҚШнинг стратегик қарори, Афғонистон, Покистон ҳамда Яқин Шарқдаги сиёсий беқарорлик, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари билан муносабатлардаги таранглик, Жанубий Хитой денгизи ва Шарқий Хитой денгизидаги баҳсли ҳудудлар эскалацияси, халқаро террористик ташкилотлар фаолияти, экологик муаммолар, аҳоли сонининг ўсиб бориши ва бошқа шу каби ички ва ташқи халқаро жараёнлар

²¹ *Евтюшин К.А.* Современная внешнеполитическая стратегия Китайской Народной Республики. Диссертация на соискание уч.ст. к.п.н. – М., 2016. – С.13.

катта таъсир кўрсатди.

ХХР Раиси Си Цзиньпин ХКПнинг XIX съездидаги “Янги даврда Хитой социализми ҳақидаги Си Цзиньпиннинг фикрлари” номли нутқи давомида, ўзининг беш йиллик бошқаруви якунлари натижалари ва 2050 йилгача мўлжалланган мақсадларга эришишдаги вазифаларни белгилаб берди²². Съезд қарорига кўра, ХХР ташкил топганлигининг 100 йиллигига қадар бажариладиган “Замонавий ва қудратли Хитой” стратегиясини амалга ошириши учун икки босқичли стратегик режа (2020-2035 йй., 2035-2050 йй) ишлаб чиқилди.

Охирги ўн йилликда ХХР ташқи сиёсатида давлатни ҳам дўстона, ҳам тинчликсевар ва Хитойни турли шаклдаги халқаро ҳамкорлик учун очик давлат сифатидаги халқаро мавқеини оширишга қаратилган умумий тренд белгилаб олинди. Мазкур контекстда Хитойнинг ШХТдаги иштироки унинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларга тўлиқ мос келади. Шу билан бирга, ХХР ҳамкорликдаги иқтисодий таркибни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

РФ Президенти В.В.Путин томонидан 2016 йил 30 ноябрда тасдиқланган “Россия Федерацияси ташқи сиёсий концепция”сида РФ ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида: давлат хавфсизлигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини таъминлаш; РФни замонавий дунёнинг кучли таъсирга эга бўлган марказларидан бири сифатидаги позициясини мустаҳкамлаш; чегарадош давлатлар билан дўстона муносабатларни шакллантириш ва ушбу давлатлар ҳудудидаги танглик ва можароли ҳолатлар ўчоқларини йўқ қилишга кўмаклашиш ва шу каби ўчоқ ва можароли ҳолатлар вужудга келишини олдини олиш кабилар белгиланди. РФ шу билан бирга ушбу концепцияга мувофиқ ўз олдида чет давлатлар билан ўзаро тенг ва фойдали икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамда давлатлараро ва халқаро бирлашмаларда фаол иштирок этиш вазифасини белгилаб ўтган.²³

Россия Федерацияси ШХТ доирасидаги ҳамкорлари билан фаол муносабатлар олиб бормоқда. РФнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги энг муҳим вазифаларидан бири, унинг хавфсизлик борасидаги миллий манфаатларини амалга ошириши ҳисобланади ва РФ ШХТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, уч асосий халқаро таҳдид (“уч ёвузлик кучи”): терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши курашиш бўйича позицияларини консолидация қилиш борасида фаол ҳаракат олиб бормоқда.

Россия Федерацияси ШХТ доирасида, даставвал, сиёсий мақсадларни амалга оширишни ўзига асосий мақсад қилиб белгилаб олган бўлиб, ШХТ доирасидаги асосий имзоланган ҳужжатлар терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши курашишга оид бўлган ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик

²²Чжунго гунчаньдан синьвэньван (中国共产党新闻网– Хитой коммунистик партияси ахборот сайти) // <http://cpc.people.com.cn/n1/2017/1028/c64094-29613660.html>

²³ Концепция внешней политики Российской Федерации (утверждена Президентом Российской Федерации В.В.Путиным 30 ноября 2016 г.) // Источник: официальный сайт Президента России // http://www.mid.ru/foreign_policy/news/-/asset_publisher/cKNonkJE02Bw/content/id/2542248

масалалари эса иккинчи даражали ҳисобланган. Ҳозирги кунда РФ ва Ғарб давлатлари муносабатларидаги кескинлик сабабли вужудга келган сиёсий инқироз ва унинг оқибатида 2014 йили Қримнинг Россия таркибига қўшиб олиниши ортидан қўлланилган иқтисодий санкциялар сабабли Россия иқтисодиётида кузатилаётган муаммолар туфайли, РФ ва ШХТ давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик фаоллашди. РФ ШХТнинг Марказий Осиё давлатларидаги аъзолари билан ШХТ доирасидаги иқтисодий лойиҳаларга фаолроқ иштирок эта бошлади, ушбу лойиҳалар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатларидаги ШХТга аъзо давлатлар билан энергетик соҳадаги ҳамкорликка қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Хитой-Россия муносабатлари контекстида ХХР ва РФнинг Марказий Осиёдаги стратегик манфаатлари”** (“Замонавий даврда ХХР ва РФ икки томонлама ҳамкорлиги”; “ХХРнинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларининг асосий йўналишлари”; “Россиянинг ШХТга аъзо Марказий Осиёдаги давлатлар билан муносабатларидаги устувор йўналишлари”) деб номланиб, ХХР ва РФнинг иккитомонлама ҳамкорлиги ҳамда ХХР ва РФнинг Марказий Осиёдаги ШХТга аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигидаги асосий йўналишларни ўрганишга бағишланган.

Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар бир неча ривожланиш босқичлари – “Дўстлик ва яхши қўшничилик” дан бошланиб, “Стратегик шерикчилик” даражасигача чиқди. Совет Иттифоқи кулагач, ХХР Ҳукумати 1991 йил 24 декабрь куни Россия Федерациясини ССРИнинг халқаро ҳуқуқий вориси сифатида тан олди. 2001 йил 16 июлда Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида икки томонлама муносабатлардаги устувор жиҳатлар ва йўналишларни қамраб олган “Яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик” тўғрисида шартнома имзоланди.²⁴

ХХР ва РФнинг ҳозирги кундаги сиёсий муносабатлари: ССРИ-ХХР муносабатлари даврининг тажрибаси ва тарихий сабоқлари; ҳар бир давлатнинг ички шароитларидан келиб чиқиб танланган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш йўлини ўзаро ҳурмат қилиш; ҳар икки давлат томонидан олиб борилаётган мустақил, тинч ташқи сиёсат ва бир-бирига ўз хоҳишини ўтказмаслик ва ҳ.к. таъсирида фаол ривожланиб бормоқда.

2018 йили В. Путиннинг Хитойга давлат ташрифи давомида ХХР ва РФ раҳбарлари томонидан имзоланган қўшма баёнотда “Москва ва Пекиннинг ташқи сиёсат, хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш муаммолари борасидаги ёндашувлари ўзаро мос ёки бир хил”, ва шу билан бирга, “глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларга биргаликда қарши курашамиз”, деб таъкидланган.

Замонавий босқичда ХХР ва РФ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенг

²⁴ Договор о добрососедстве, дружбе и сотрудничестве между Российской Федерацией и Китайской Народной Республикой // <http://www.kremlin.ru/supplement/3418>

камровли бўлишига қарамасдан, икки давлат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик даражасида эмас. Иккитомонлама алоқаларда РФ учун мамлакатни Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқни хитой инвестицияларидан фойдаланиб ривожлантириш, қўшма инфраструктуравий дастурлар ва ресурс базасини ўзлаштиришга бағишланган энергетика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига йўл қўймаётган омиллар сирасига: икки давлатнинг иқтисодий имкониятлари орасидаги жиддий фарқни, ХХРнинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши сабаб нафақат РФда, балки дунёда ҳам ҳушёрликнинг ошаётганини, ХХР ва РФ ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг мувозанатда эмаслиги ҳамда икки давлат қонунчилиги ва солиқ тизими билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

ХХР ва Марказий Осиё давлатлари муносабатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, Хитой учун Марказий Осиё давлатларининг мустақилликка эришиши Транссибир магистралига муқобил сифатида Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларига, яна Марказий Осиё орқали ғарбга транспорт йўлларини қуриш имконини берди, бундан ташқари, Марказий Осиё бозорининг очилиши ХХРнинг Синжон уйғур автоном районини иқтисодий ривожлантиришга рағбат бўлиб хизмат қилиши ва мамлакатнинг шимолий-ғарбидаги кескинликни юмшатиши мумкин.²⁵

РФнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатлари кўп жиҳатдан, вужудга келаётган янги геосиёсий ҳолат ва ғарб билан муносабатлардаги инқироз натижасидаги минтақанинг аҳамиятидан келиб чиқади. Марказий Осиё давлатларининг аҳамияти РФнинг Осиёдаги ташқи сиёсий стратегиясини қуришда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, айниқса, “Шарққа бурилиш” деб номланган шароитда.²⁶

РФ Марказий Осиё давлатлари билан худудий чегарадош, рус тилида сўзлашувчи аҳоли орқали ва тарихий жиҳатдан яқин алоқаларга эга. Россия учун минтақадаги ҳарбий-сиёсий барқарорлик жуда муҳим. Минтақа Россия учун нефть омили, хусусан, энергетик ресурслар транспорти, коммуникацияси ва транзити жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“ШХТ доирасида Хитой-Россия муносабатлари ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари”** деб номланиб, иккита қисмга бўлинади: “Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалаларида ХХР ва РФ ҳамкорлиги”; “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида ХХР ва Россия ҳамкорлигининг муаммолари ва истиқболлари”) Боб доирасида ХХР ва РФнинг минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги

²⁵Син Гуанчэн. (邢广程. 中国与中亚国家的关系. Чжунго юй Чжун-Я гоцзяды гуаньси. Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабати) // Славянский исследовательский центр // <http://src-h.slav.hokudai.ac.jp/publicatn/85/9CA-Chinese.pdf>

²⁶Разворот России на Восток: эксперты прокомментировали послание Путина // <https://www.mk.ru/politics/2016/12/01/razvorot-rossii-na-vostok-eksperty-prokommentirovali-poslanie-putina.html>; Виноградов А.О. РФ-КНР: состояние и перспективы двусторонних отношений // rf-knr-sostoyanie-i-perspektivy-dvustoronnih-otnosheniy.pdf

асосий ҳамкорлик йўналишлари ҳамда ШХТ доирасида ХХР ва РФ икки томонлама ҳамкорлигининг муаммолари ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Ҳозирги босқичда ШХТ, аъзо давлатлари учун ҳамкорликнинг устувор жиҳатлари, хусусан, тобора мураккаблашиб бораётган халқаро вазиятда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва трансмиллий таҳдидларга қарши тура оладиган кўп тармоқли ташкилотга айланиб боришида ХХР ва РФ муносабатларига муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Афғонистондаги вазият Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Афғонистон бўйича 2018 йил 26-27 март кунлари Тошкентда ўтказилган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” номли конференцияда Афғонистонда тинчликни ўрнатилиши, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш билан бирга олиб борилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.²⁷

ХХР ва РФ учун халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу борада штаб-квартираси Тошкентда жойлашган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий Аксилтеррор Тузилмаси (ШХТ МАТ) доирасидаги ҳамкорлик чуқурлашаётганини кузатамиз.

